

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИС<sub>n</sub>С»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОТЕХНОЛОГИЯ ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ «O'zGEORANGMETLITI»**

**ХАСАНОВ АЛЕКСЕЙ РАШИДОВИЧ**

**МУРАККАБ КОН-ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРГА ЭГА ОЛТИН  
КОНЛАРИНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Хасанов Алексей Рашидович**

Мураккаб кон-геологик шароитларга эга олтин конларини ер ости  
усулида қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш.....3

**Хасанов Алексей Рашидович**

Совершенствование технологии подземной разработки золоторудных  
месторождений со сложными горно-геологическими условиями.....21

**Khasanov Aleksey Rashidovich**

Improving the technology of underground mining of gold deposits with complex  
mining and geological conditions.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОТЕХНОЛОГИЯ ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ «O'zGEORANGMETLITI»**

**ХАСАНОВ АЛЕКСЕЙ РАШИДОВИЧ**

**МУРАККАБ КОН-ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРГА ЭГА ОЛТИН  
КОНЛАРИНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1415 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон геотехнология ва рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиха-қидирув институти ДУК «O'zGEORANGMETLIT»да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.misis.uz](http://www.misis.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Раимжанов Баҳадиржан</b><br>техника фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Заиров Шерзод Шарипович</b><br>техника фанлари доктори, профессор<br><b>Меликулов Абдусаттор Джаббарович</b><br>техника фанлари номзоди, доцент |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ</b>  |

Диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» июл соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [afnitumisis@mail.ru](mailto:afnitumisis@mail.ru)).

Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-08-Д рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «06» июл куни тарқатилди.  
(2021 йил «06» июл даги 8 рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Я. Умаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Г.С. Нутфуллоев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ш.Ш. Заиров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда олтин руда конларининг аксарият қисми мураккаб кон-геологик шароитларда жойлашган бўлиб, қазиб олиш чуқурлигининг ошиши, руда таналари кўрсаткичларининг сезиларли даражада тарқоқлиги, руда танаси қалинлигининг ўзгариши, массивнинг интенсив дарздорлигининг мавжудлиги, кўп микдорда юпқа руда таналарининг мавжудлиги, руда таналарининг бир-бирига яқинлиги, сув ҳавзалари ва химоя объектлари остида қазиб олиш ишлари, массивнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати, ҳудуднинг геотектоник таъсири ва ҳ.к. омилларга боғлиқ. Шу сабабли, олтинли руда конларини қазиб олишда, мураккаб кон-техник ва кон-геологик шароитларда кончилик ишларини интенсив равишда пасайишига этибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини ўрганиш, кон зарбасига мойил бўлган конларда чегаравий қазиб олиш чуқурлигини баҳолаш, мураккаб кон-геологик шароитларда руда таналарини қазиб олишда технологияларни такомиллаштириш, кон-геологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда қазиб олиш тизимининг оптимал параметрларини аниқлаш, руда таналарини қазиб олиш жараёнида кон ишларини олиб бориш учун технологик ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни самарадорлигини иқтисодий баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, конларнинг мураккаб кон-геологик шароитларида руда танасини қазиб олиш тизимини такомиллаштириш, кончилик ишлари хавфсизлигини яхшилаш ва қазиб олинаётган руданинг оптимал кўрсаткичларига эришишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда руданинг йўқотилиш ва сифатсизланишни камайтириш мақсадида қазиб олиш тизимлари параметрларини такомиллаштириш, Зармитан олтин руда ҳудудидаги руда таналари гуруҳлари турғунлигини ва қазиб олишга самарали технологияни тадқиқ қилиш, Чармитан ва Ғужумсой кониларининг пастки горизонтларидаги кон лаҳимлари атрофидаги массивнинг физик-механик хусусиятларини, кучланганлик ҳолатини ва дарздорлигини ўзчашни тадқиқ қилиш ва кон лаҳимларини мустаҳкамлаш ва кучланишнинг камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида<sup>1</sup> «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, ишлаб чиқаришга энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва салбий омиллар таъсирини қоплаш орқали рудали компонентларни максимал қазиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

олиш мумкин бўлган Зармитан олтин руда ҳудудларининг олтин конлари учун ер ости қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини баҳолаш, усул ва воситаларни яратиш ва қўллаш борасида Авершин С.Г., Баранов Е.Г., Именитов В.Р., Казикаев Д.М., Кузьмин Е.В., Макаров А.Б., Каплунов Д.Р., Рыльникова М.В., Влох Н.Н., Рассказов И.Ю., Кулаков Г.И., Кораблев А.А., Кузнецов Г.Н., Филатов Н.А., Болотин Ю.И., Герман В.И., Мансуров В.А., Турчанинов И.А., Панин В.И., Зубков А.В., Рахимов В.Р., Раимжанов Б.Р., Насиров У.Ф., Норов Ю.Д., Саййидқасимов С.С., Фадеев А.Б., Батугина И.М., Петухов И.М., Hartman, H.L., Hustrulid, W., Johnson, N.W., Marshall, G.P., Barton N., Bergman S.G.A., Bieniawski, Z.T., Broch E., Habenicht H., Hodgson R.A., Hoek E., Brown E.T., Palmström A. каби ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшганлар.

Мураккаб кон-геологик шароитларда руда таналарини қазиб олиш технологияларини такомиллаштириш масалаларини ечиш учун, тоғ жинслар массивининг геомеханик ҳолатини баҳолашнинг кўплаб усулларидан фойдаланилади, кон лаҳимларини текшириш ва уларнинг оптимал параметрларининг ҳисоб китоблари, мустахкамлагичларнинг параметрларини асослаш ва танлаш бўйича усуллари ва таснифлари, қазиб олиш тизимларининг барқарор элементлари ва конструктив элементлари, ҳозирги кунда кон массивининг компьютер ёрдамида моделлаштириш усуллари аниқ кон-геологик шароитда қазиб олиш технологияларини мослаштириш учун кенг қамровли маълумот олиш имконини беради.

Шундай қилиб, нашр этилган маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Зармитан олтинли руда ҳудудларида конларни мураккаб кон-геологик шароитларда қазиб олиш муаммоси бўйича ўтказилган мониторинги мавжуд анъанавий қазиб олиш тизимларини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатмоқда. Бу ҳолатлар шароитнинг аста-секин мураккаблашиб

бориши ва қазиб олиш чуқурлигининг интенсив ошиб бориши ҳамда фойдали қазилма конини қазиб олиш участкаларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг мураккаблашиб бориши билан боғлиқ.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «O'zGEORANGMETLITI» ДУК ва «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №127с-2507-з – «Зармитан олтинли руда ҳудудидаги рудникларда йўқотилиш ва сифатсизланишни камайтириш мақсадида қазиб олиш тизимлари параметрларини оптималлаштириш», №127с-2686-з – «Зармитан олтинли руда ҳудудидаги 1,7-сон ва 11, 15, 17, 25, 54-сон руда таналари группасини турғунлигини ва қазиб олишга самарали технологияни тадқиқ қилиш» ва №127с-3050-з – «Чармитан ва Ғужумсой кониларининг пастки горизонтларидаги кон лаҳимлари атрофидаги массивнинг физик-механик хусусиятларини, кучланганлик ҳолатини ва дарздорлигини ўзгариш тадқиқ қилиш ва кон лаҳимларини мустаҳкамлаш ва кучланишнинг камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мураккаб кон-геологик шароитга эга Зармитан олтинли руда ҳудудларида олтинли руда конларини ер ости усулида қазиб олишнинг мавжуд технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мураккаб кон-геологик шароитларда олтинли руда конларини қазиб олиш масалалари ҳолатини ўрганишнинг замонавий таҳлили;

тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатини аналитик ва экспериментал усуллар билан ўрганиш;

кон зарбасига мойил бўлган участкаларда қазиб олиш технологиясини самарали қўллаш учун, чегаравий қазиб олиш чуқурлигини баҳолаш;

мураккаб кон-геологик шароитларда руда таналарини қазиб олишда самарали технологияларни мукммаллаштириш ва асослаш;

кон-геологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда математик моделларни чекли элементлар усули билан таҳлил қилиш асосида қазиб олиш тизимининг оптимал параметрларини танлашни ўрнатиш;

мураккаб кон-геологик шароитда руда таналарини қазиб олиш жараёнида кон ишларини олиб бориш учун технологик ечимларни ишлаб чиқиш ва юпқа руда таналарини қазиб олиш тизими самарадорлигини иқтисодий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мураккаб кон-геологик шароитларига эга Зармитан олтинли руда конлари ҳудудидаги тоғ жинслар массиви ҳамда рудани қазиб олишнинг мавжуд технологиялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Зармитан олтинли руда ҳудудидаги конлар участкаларининг кон-геологик ва кон-техник шароитлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари, олтин конларини ўзлаштириш тажрибасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, массивнинг структуравий ҳолатини баҳолаш, кон лаҳимларини визуал ўрганиш, шелли холислантириш, кернларни дискланиш

усуллари ёрдамида тажриба ишларини олиб бориш, чекли элементлар усули ёрдамида компьютерда моделлаштириш, саноат тажрибалари ва тадқиқот натижаларини техник-иқтисодий баҳолаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фойдали қазилма конларининг қазиб олиш чуқурлиги ўзгарганида кон лаҳими бўшлиғининг ҳосил бўлиш чегаравий параметлари аниқланган;

минимал сифатсизланиш билан руда танасини қазиб олишнинг юқори кўрсаткичларига эришишда юпка қалинликдаги рудаларни қазиб олиш тизимини қўллаб қазиб олишда хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга ва фойдали қазилма миқдорини оширилишига эришилиши аниқланган;

Чармитан конининг +480 м горизонтидан пастда қазиб олиш тизимининг олиб борилишида хавфсиз иш шароити ва қазиб олишнинг оптимал кўрсаткичларига қазиб олиш блокининг узунлиги 30 м узунликгача қисқартирилиши орқали эришилиши аниқланган;

кон босимининг таъсирига кўра участкалар бўйича коннинг кенгайтирилган районлаштирилиши ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва салбий омиллар таъсирини қоплаш орқали рудали компонентларни максимал қазиб олиш мумкин бўлган Зармитан олтин руда ҳудудларининг конлари учун ер ости қазиб олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Зармитан олтин руда ҳудудларидаги конларнинг кон-геологик шароитини ҳисобга олган ҳолда конларни ўзлаштиришнинг ўрганилган чуқурликлари учун қазиб олиш тизими таркибий элементларининг оптимал параметрлари ишлаб чиқилган;

Чармитан ва Ғужумсой конлари учун кон босими юқори бўлган ҳудудларда тайёрлов ва қазиб олувчи, асосий кон лаҳимларини мустаҳкамлашнинг асосий параметрлари ва кўндаланг кесим юзасининг шакли ишлаб чиқилган;

тоғ жинслари массивининг юқори кучланиш-деформацияланиш ҳолати бўлган ҳудудларда кончилик ишларини хавфсиз ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий тадқиқотларнинг натижалари, бошланғич маълумотларнинг катта миқдори, таҳлил ва компьютерли моделлаштиришнинг замонавий усуллари қўллаш, ишлаб чиқилган технологик ечимларни экспериментал тажриба-синовдан ўтказиш, комплекс тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, лойиҳалаш институти ва Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси конларида ишлаб чиқилган техник ва технологик ечимларни ижобий тажриба билан тадбиқ этиш билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтин конларини қазиб олиш жараёнида тоғ жинслари массивининг мураккаб кон-геологик шароитларга эга бўлган эксплуатацион блокларида қазиб олиш ишларини ўтказишда



технологиянинг конструктив параметрларининг боғлиқлигини асослашда қазиб олишга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мураккаб кон-геологик шароитларида руда танасини қазиб олиш тизимини такомиллаштириш, кончилик ишлари хавфсизлигини яхшилаш ва қазиб олинаётган руданинг оптимал кўрсаткичларига эришиш билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мураккаб кон-геологик шароитларга эга олтин конларини ер ости усулида қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

руда таналарини ер ости усулида қазиб олиш технологияси ва кон ишлари хавфсизлигини оширишга қаратилган тавсиялар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий кон бошқармаси «Чармитан» ва «Ѓужумсой» конларида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10733-сон маълумотномаси). Натижада, кон лаҳимларини кўндаланг кесим юзасининг ўлчамини ва кон лаҳимларини утиш ишлари ҳажминини камайтириш ҳамда қазиб олиш камераларининг параметрларини такомиллаштириш имконини берган;

қазиб олинаётган блоklarнинг самарали параметрлари «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Жанубий кон бошқармаси «Чармитан» ва «Ѓужумсой» конларида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10733-сон маълумотномаси). Натижада, кон лаҳимларининг ва қазиб олиш камераларининг геомеханик ҳолатини яхшилаш, қазиб олинаётган руданинг сифатини ошириш ва мустаҳкамлашнинг прогрессив турларини қўллаш доирасини кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, Республика нашрларида 5 та ва хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

**«Мураккаб кон-геологик шароитли олтинли руда конларини қазиб олишнинг замонавий технологияларини ҳозирги ҳолатини таҳлили»** деб номланган биринчи бобда мураккаб кон-геологик шароитда конларни қазиб олиш технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар, Фарбий Ўзбекистон олтинли руда конларининг кон-геологик шароитлари ва Чармитан ва Ғужумсой конларининг тоғ жинсларини физик-механик хусусиятлари таҳлили келтирилган.

Мураккаб кон-геологик шароитларда юпқа қалинликдаги тик руда таналарини қазиб олишни таҳлил қилиш асосида ва руда таналарини қазиб олишни аниқ кон-техник шароитларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишлар белгиланган:


– эксплуатацион блокларда очик қолган ков жойларни мустаҳкамлаш; қўлланилаётган очик бўшлиқли ва рудани магазинлаб қазиб олиш тизимларини тўлдирувчи материаллар билан қазилган бўшлиқни тўлдириб қазиб олиш тизимига алмаштириш; қазиб олиш тизимлари ўлчамларини тартиблаш;

– қават бурғилаш штрекларидан қазиб олиш (қаватча штреклари) тизимидан ён жинсларни қаватчага қулатиб қазиб олиш тизимига ўтиш;

– қазиб олинадиган руда сифатини оптималлаш учун юпқа руда таналарини алоҳида руда ва пуч тоғ жинсларини қазиб олиш тизимларини қўллаш.

Диссертациянинг **«Зармитан олтинли руда ҳудудларида тоғ жинслар массивининг геомеханик ҳолатини комплекс тадқиқ қилиш»** деб номланган иккинчи бобида Чармитан ва Ғужумсой конларининг кон лаҳимларида акустик эмиссия билан олинган натижаларнинг таҳлили ва Чармитан ва Ғужумсой конлари кон лаҳимларини визуал тадқиқоти олиб борилган. Тоғ жинслар кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини шелли ҳолислантириш усулида, тоғ жинслар массивининг кон зарбасига хавфлиликни кернларни дискланиш усулида, Зармитан олтинли руда ҳудудининг блокли тузилишини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Хук-Браун усули ёрдамида массивнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ва Зармитан олтинли руда ҳудудларидаги конларнинг пастки горизонтларига ўтишида кон зарбасига мойиллигини баҳолаш келтирилган.

НКМК Жанубий кон бошқармаси Геомеханик хизмати мутахассислари билан биргаликда СБ-32 «Сапфир» мосламаси томонидан ишлаб чиқилган созлаш мезонлари даражасига нисбатан импульсларни дақиқада тақсимлаш, Зармитан ва Ғужумсой конларида «ХАВФЛИ» тоифасига кирувчи кон лаҳимларида ўтказилган акустик эмиссиясининг (АЭ) кўрсаткичларини ўлчаш натижалари таҳлил қилинган ва акустик эмиссиясининг жараёни кўриб чиқилган (1-расм).



**1-расм. 60105а-106а п/э-3 штрек ости қаватчадаги блокнинг АЭ параметрларининг ўзгариши графигида «ХАВФЛИ» деб таснифланиши (а) протлатиш ишлари 2 соатдан кейин ва шу жойда (б) 2 соат 25 дақиқадан сўнг**

Шахта шароитида кучланганлик ҳолатини аниқлашда шелли холислантириш усулини қўллаб, тайёрлов кон лаҳимлари деворларида шеллни ҳосил қилиб олиб борилди. Шеллни ҳосил қилиш пневматик қўллағич УТ-29 перфоратори билан амалга оширилди.

Тирқиш текислигига перпендикуляр таъсир етувчи кучланишлар катталиги қуйидаги формула билан аниқланди:

$$\sigma_{\perp} = \left[ \frac{U_{A-B} \cdot E \cdot \pi}{8 \cdot R - \pi \cdot L(1 - K_{\text{перп}} + \mu K_{\text{паралл}})} \right],$$


бу ерда,  $U_{A-B}$  – бўшлиқ ҳосил қилингандан кейин мос ёзувлар нуқталари орасидаги массивнинг деформацияси, см;  $E$  – тоғ жинсларининг еластиклик модули 10-4 МПа;  $R$  – уяси радиуси, см;  $L$  – қорсаткичлар орасидаги масофа, см;  $\mu$  – Пуассоннинг нисбати;  $K_{\text{перп}}$ ,  $K_{\text{паралл}}$  – мос равишда тирқишга перпендикуляр ва параллел бўлган йўналишлардаги кучланишни концентрациялари.

Экспериментал тадқиқот натижаларига кўра, кон лаҳимлари деворларидаги кучланишнинг ўзгариши ўрнатилди, вертикал кучланиш 3,0 дан 4,0 МПа гача, горизонтал кучланиш 15,0 дан 30,0 МПа гача ўзгариб туради. Маълумотларнинг бундай тарқалишининг асосий омили, кўринишидан, бир неча дарздорликларнинг мавжудлиги ва шунга мос равишда тоғ жинслар массивининг блок тузилишидир.

Кернларни дисклаш орқали геомеханик усул билан кон босими ҳудудлари ташқарисидаги тоғ жинсларининг физик-механик хусусияти ва кучланганлик ҳолатини баҳолашга асосланган кон зарбасига мойил тадқиқот ишлари олиб борилди.


Массивнинг кон зарбасига мойиллигини ва кучланганлик ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичларга эга «Diames-232» бурғилаш қурилмаси ишлатилди: инструкцияга мувофиқ, бурғилаш қурилмасининг айланиш тезлиги 350-450 айл/мин; босим кучи 1 МПа гача; бурғилаш тезлиги 1-2 см/мин.

Геологик маълумотларнинг катта миқдори мавжудлиги сабабли Зармитан олтинли руда ҳудудларининг блок тузилиши 1:5000 масштабдаги геологик харита ёрдамида аниқланди. Харитага биноан блоклар ва уларни чегараловчи ёриқлар аниқланди. Зармитан олтинли руда конлари ҳудудини ташкил этувчи асосий ёриқ тузилмалари схематик диаграммаси 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Ҳудудни ташкил этувчи Зармитан олтинли руда ҳудудларининг асосий ёриқ тузилмаларининг схематик диаграммаси**

Йириклаштирилган геодинамик районлаштириш натижасига кўра, майдонда турли хил конфигурацияга эга ёриқлар ва блоклар аниқланди (3-расм).



**3-расм. Тектоник блок чегараларининг силжиш йўналишларини кўрсатувчи Чармитан (чапда) ва Гужумсой (ўнгда) конлари ҳудудидаги ёриқлар схемаси**

Чармитан ва Гужумсой конлари ўрганилаётган ҳудудининг геодинамикасини комплекс таҳлил қилиш, ҳозирги кунгача давом этаётган тектоник блоклар чегараларининг замонавий горизонтал силжиш йўналишини ва хусусиятини аниқлаш имконини берди.

Дарзли массивдаги тоғ жинсларида ҳосил бўлувчи кучланишнинг тарқалиши ва Зармитан олтинли руда майдони массивининг кучланганлик ҳолатини баҳолаш Хук-Браун усулида олиб борилди.

Дарздорлик даражасига кўра массивнинг учта майдони кўриб чиқилди: заиф дарздорлик (тектоник бузилишлардан йироқдаги марказий қисм, асосий очиш кон лаҳимларининг майдони), ўртача дарздорлик (Гужумсой кони, Чармитан конининг Марказий қисми), юқори дарздорлик (асосий ёриқлар зоналари ва Чармитан конини Жанубий-шарқий қисми).

Хук-Браун усули бўйича олиб борилган асосий кон лаҳимлари деворларига таъсир этувчи кучланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики:

– максимал тектоник кучланишнинг  $\sigma_1 = \lambda_1 \cdot \gamma \cdot H$  қиймати  $3,17 \div 3,33 \cdot \gamma \cdot H$  ораликда бўлади ва руда танасига кўндаланг таъсир этади, минимал горизонтал кучланишнинг  $\sigma_3 = \lambda_3 \cdot \gamma \cdot H$  қиймати  $0,67 \div 0,81 \gamma \cdot H$  ораликда бўлади ва руда танаси бўйлаб таъсир этади;

– вертикал (гравитацион) кучланиш  $\gamma \cdot H$ , оралик қийматга тенг бўлиб  $1,0 \cdot \gamma \cdot H$  дан иборатдир.

Диссертациянинг «**Мураккаб кон-геологик шароитдаги руда танасини қазиб олишда мақбул технологияни танлаш ва асослаш**» деб номланган учинчи бобида, кон-геологик шароитлар таҳлили натижалари асосида, руда танасининг асосий қисми юпқа қатламли кварц томирлар ва чизиқли минераллашган зонадан ташкил топганлиги аниқланди. Кон лаҳимлари мустаҳкамлагич турлари ва уларнинг ўлчамларини танлаш натижаларига кўра, рейтинг услублари асосида массивнинг структуравий бузилишини ҳамда тоғ жинсини турғунлик ҳолатини баҳолаш ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида мураккаб кон-геологик шароитда рудани қазиб олишнинг асосий техник ечимлари, қазиб олиш тизимининг конструктив элементи ва кон лаҳимини юза ўлчамлари аниқланди.


Мавжуд қазиб олиш технологиясини яхшилаш ва янги вариантларини танлашни асослаш учун кўрилаётган кондаги руда танасининг захираси, қалинлигининг синфланиши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилган: Чармитан кони: коннинг 15,8% захираси 1,5 м қалинликгача бўлган руда танасида жойлашган бўлса, 84,2% захира эса 1,5 м қалинликдан юқори бўлган руда танасида жойлашган; Гужумсай кони: коннинг 45,4% захираси 1,0 м дан 1,5 м қалинлик оралиғида, 7,6% захира эса 1,5 м қалинликдан юқори бўлган руда танасида жойлашган.

Қазиб олиш контуридаги жинс турғунлигининг кўрсаткичлари ва кучланишнинг деформацион ҳолат натижаларига кўра, уларнинг ётиш чуқурлигига боғлиқ ҳолда лаҳимни ён томонлари ва шифтнинг мустаҳкамлик захираси ўзгариш графиги ишлаб чиқилган (4-расм).


Кўриниб турибдики, қазиб олиш контуридаги жинс турғунлигининг кўрсаткичлари ва кучланишнинг деформацион ҳолат натижаларига кўра, ётиш чуқурлигининг ошиб бориши сари шифтнинг ва майдон бўйлаб лаҳимларнинг ён томонларидаги мустаҳкамлик захираси камаяди.

Лаҳимнинг +720 м горизонтдаги мустаҳкамланмаган қисмининг контурида турғунликнинг қиймати 0.058-0.06 га тенг бўлгани сабабли, лаҳимнинг айрим қисмларида мустаҳкамлагичсиз ёки қалинлиги 3-5 см бўлган сочма бетонли (сачратма) мустаҳкамлагич билан ўтишга имкон берилган.

а)



б)



**4-расм. Чармитан конининг Жанубий-шарқий қисми (а) ва маъданнинг Марказий майдони учун кон лаҳимларининг конлари чуқурлигининг ўзгариши билан лаҳим шипи ва ён томонларининг хавфсизлик омилидаги ўзгаришларнинг графикалари Чармитан кони ва Гужумсой кони (б)**

+720 м горизонтдан пастги +600 м гача турғунликнинг кўрсаткичи чегаравий қийматгача пасаяди. Лаҳимнинг шифт ва ён томон қисмларини мустаҳкамлаш учун табиийки сочма бетонли мустаҳкамлагич қўллаш ҳажми ортади, лаҳимлар туташган жойда қўшма мустаҳкамлагич билан мустаҳкамлаш керак.

+600 м дан пастки горизонтларда турғунликнинг қиймати 0,127-0,266 гача пасаяди, бу эса барча лаҳимлар буйлаб қўшма мастаҳкамлагичларни қўллашни тавсия этади. Тавсия этилган мустаҳкамлагич тури анкерли, анкерлар орасидаги масофа 0,8-1,1 м, сочма бетонли мустаҳкамлагич қопламасининг қалинлиги 3-5 см.

Чармитан конидаги блокларни қазиб олиш давридаги таҳлил натижаларига кўра ков жойининг осиқ томонининг чегаравий ўлчамини қазиб олинган бўшлиқ ва дарзланиш жадаллилигига боғлиқлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Осиқ ён томондаги майдоннинг ҳақиқий чегараларининг ков жойи ўлчовларига ва дарзланиш интенсивлигига боғлиқлиги**

| Жинсларнинг дарздорлик жадаллиги                           | Блокнинг ўлчамлари, м |                  |
|--|-----------------------|------------------|
|  | Ётиши бўйича          | Чўзиқлиги бўйича |
| Кам дарздор тоғ жинслари                                   | 60                    | 50-60            |
| Ўртача дарздор тоғ жинслари                                | 30-40                 | 50               |
| Ўта дарздор тоғ жинслари                                   | 20-25                 | 25-30            |
| Дарздорликларни ривожланганлиги билан тектоник дарздорлиги | 10-12                 | 10-15            |




Қазиб олиш чуқурлигига қараб, чўзиқлиги бўйича максимал бўш жойининг ўлчамлари

| Жинсларнинг дарздорлик жадаллиги                           | Лаҳимнинг ўлчамлари, м |                    | В.Д. Слесарев бўйича эквивалент равоғ, $l_{экв}$ | Ўрта жойлаши ш чуқурлиги и Н, м | Ўлчами $C=l_{экв} \cdot H \cdot 10^3$ |
|--|------------------------|--------------------|--|---------------------------------|---------------------------------------|
|  | Ётиши бўйича           | Чўзиқлиги и бўйича |  |                                 |                                       |
| Кам дарздор тоғ жинслари                                   | 60                     | 60                 | 30,0   | 200                             | 180                                   |
| Ўртача дарздор тоғ жинслари                                | 40                     | 50                 | 22,2   | 200                             | 99                                    |
| Ўта дарздор тоғ жинслари                                   | 25                     | 30                 | 13,6   | 200                             | 37                                    |
| Дарздорликларни ривожланганлиги билан тектоник дарздорлиги | 12                     | 15                 | 6,7  | 200                             | 9                                     |

1-жадвалдаги маълумотларни қўллаган ҳолда максимал бўш жойининг чўзиқлиқ бўйича ва юқоридан пастга ўлчамлари кон ишлари чуқурлигига қараб аниқланди (2 ва 3 жадваллар). 5-расмда чўзиқлиги бўйича максимал бўш жойининг қазилма чуқурлигига боғлиқлиги кўрсатилган.

Ҳар бир турдаги тоғ жинси учун «С» нинг қиймати доимий аниқланган ва конни ўзгармас қиймат деб аталади.



**5-расм. Чўзиқлиги бўйича чекланган максимал бўш жойининг қазилма чуқурлигига боғлиқлиги графиги**

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар осма томоннинг очилиб қолишининг чегараланган ўлчамини белгилайди ва Зармитан олтин рудаси зонаси конларида сарфланган майдонига эга бўлган қазиб олиш тизимларининг қўлланиладиган параметрларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Мураккаб кон ва геологик шароитлар билан руда танаси қазиб олинаётган майдонлар ва камералар аро устунларнинг тез-тез емирилишини ва ўсиб борувчи қатламланиш ҳолатларини тушунтириб, баъзи ҳолларда осма томоннинг сарфланган майдон камералари емирилиши, осилиб томони вайрон ёки блок тўлиқ зарар учун, бу блокни тўлиқ ёқотилиши ёки қазиб олинган рудани ифлосланишига олиб келади, бундай ҳолатлар Чормитан конининг +540 м

горизонтидаги эксплуатацион блокларини қазиб олиш жараёнида кузатилган эди.

Тоғ жинсининг турғунлиги халқаро рейтинг таснифига биноан 5 та синфга бўлинади (3-жадвал).

3-жадвал

Тоғ жинсининг турғунлиги бўйича таснифланиши

| Тоғ жинсининг синфланиши | Кон жинси массивининг очилгандаги тавсифи | Турғунлик даражаси $\sum_1^6 Y_i$ (баллы) | Максимал сақлай олмайдиган оралик, м | Изоҳ   |
|--------------------------|---|---|--------------------------------------|--|
| I                        | Ўта турғун                                | 90-100                                    | 5,0 дан катта                        | Синфланиш бўйича жинслар III дан V гача бўлганда мустаҳкамлагични ўрнатишни таълаб этади |
| II                       | Турғун                                    | 70-90                                     | 5,0 гача                             |  |
| III                      | Ўрта турғун                               | 50-70                                     | 3,8 гача                             |  |
| IV                       | Нотурғун                                  | 25-50                                     | 2,9 гача                             |  |
| V                        | Ўта нотурғун                              | <25                                       | –                                    |  |

Зармитан олтин рудали худудларининг пуч тоғ жинслари ва рудаси З.Т. Беньевскийнинг геомеханик таснифи бўйича III - V синфланиш синфига таълуқли. Граносиенит ва сиенитлар коннинг турғунроқ жинслари ҳисобланади, улар таснифланиш бўйича учинчи синфга таълуқли бўлиб, ўрта турғун ҳисобланади. Слюдали кварцитли жинслар IV синфга мансуб ва нотурғундир. Тектоник бузилиш зонасидаги пуч тоғ жинслар ва рудалар IV ва V синфга ҳамда таснифи бўйича нотурғун ва ўта нотурғун ҳисобланади.

RMi мезони бўйича массивнинг структуравий бузилишини баҳолашда, лаҳимнинг ўлчамларини боғлиқлиги ва блок ўлчамлари, ҳамда массив ҳолатининг омилларига боғлиқ ҳолда лаҳимни мустаҳкамлаш усулини танлаш ишлаб чиқилган. Кўриб чиқалаётган кон лаҳимларининг ўлчамларига тавсия этилаётган мустаҳкамлагич материал турлари: туташмаларда ва сусайган (кучсизланган) жойларда қалинлиги 40 мм гача бўлган сочма бетон ва анкерли ёки дарздор тоғ жинсларида кон лаҳимининг шифт ва ён қисмларида 2x2 сеткада анкерли мустаҳкамлагич, сусайган жойларда эса кучайтирилган сочма бетон қўлланилади.

Тоғ жинслари массивининг структуравий бузилганлигини баҳолаш ишлари ВНИМИ методикаси бўйича тоғ жинсларининг кон лаҳимлари контурида кўчиш (силжиш) аҳамияти мезонига мувофиқ ҳолатда олиб борилди. Баҳолаш натижаларига кўра, кон иншоотлари турғунлиги кўпинча массивнинг структуравий сусайиши (кучсизланиши) намоён бўладиган дарздорлик даражасига боғлиқлиги аниқланди. Массивдаги тоғ жинсларининг структуравий сусайиши (кучсизланиши) дарздорлиги кам бўлган тоғ жинсларида 0,8 га, ўртача дарздор тоғ жинсларида 0,6 га, дарздорлиги юқори бўлган тоғ жинсларида 0,4 га тенг деб қабул қилинди.

Чекли элементлар усули бўйича математик моделлаштириш натижаларига кўра, +420м горизонтгача камеранинг баландлиги 25-30м гача бўлганда ва қаватни иккита кичик қаватчаларга бўлганда руда танаси атрофидаги массивнинг ҳолати блокдан рудани чиқариш имконини беради ва




ўртача турғун деб баҳоланади +420 м горизонтдан пастда кон ишларини олиб боришнинг чуқурлашиши билан тоғ жинсларини кўчиш қиймати ўсиб бориш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу ўпирилиш гумбази шаклланадиган нотурғун деб тавсифланиши мумкин.

Янги технологияларни қўллаш хусусиятлари ва блоklarни тайёрловчи-қирқувчи кон лаҳимларини ўтишнинг кон техник шароитлари ўзгаришининг кенг диапазонлари кон лаҳимлари турлари, параметрлари ва кўндаланг кесимларини тизимлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Тоғ жинслари массиви кучланганлик ҳолатини геомеханик баҳолашга мувофиқ ҳолда кон лаҳимлари хавфли кўндаланг кесим юзасидаги кучланиш концентрациясини камайтириш учун гумбаз баландлиги оширилди. Илгари қўлланилган гумбаз баландлигининг кон лаҳими энига  $h/V = 1/4$  нисбати ўрнига кон лаҳимларини қўшма мустаҳкамлагич (анкер+сочма бетон) билан мустаҳкамлаш параметрларини ишлаб чиқишда  $h/V=1/3$  нисбати қабул қилинди ва бу мустаҳкамлашда штангалар узунлигини камайтириш имконини берди. + 420м горизонтдан пастда кон лаҳимларини кўрама мустаҳкамлагич билан мустаҳкамлашда  $h/V = 1/2$  нисбатга ўтилиши керак.

Аркали мустаҳкамлагич учун олиб борилган кон босимини ҳисоблаш ишлари шуни кўрсатдики, уч марказли гумбазли аркали мустаҳкамлагичлар СВП-27 турли оғир аркали мустаҳкамлагични қўллаганда ҳам таъсир этаётган кон босимига бардош бера олмайди. Хавфли кўндаланг кесим юзасида кучланиш йўл қўйиладиганидан 3-4 баробар катта бўлади. Шунинг учун ички кўндаланг кесим юзаси 6,5-13,0 м<sup>2</sup> бўлган кон лаҳимларини ўтишда 0,8-1,0 м ораликда ўрнатиладиган нисбатан енгил профилни қўллаш имконини берувчи  $h/V = 1/2$  бўлган циркулли гумбазли бўлган аркали мустаҳкамлагич ишлаб чиқилди (7-расм).



**7-расм. Қвершлаглар ва штреklarнинг кўндаланг кесим юзаси ва мустаҳкамлагич ўлчамлари**

Мураккаб кон-геологик шароитларда руда танасини қазиб олишда рудниклар амалиёти асосида, Чармитан ва Гужумсай конлардаги руда таналарини қазиб олиш учун қуйидаги қазиб олиш тизимлари тавсия қилинди:

1) 15-20 м баландликдаги камералар билан қаватчалардан рудани кулатиб қазиб олиш тизими;

2) 20-30 м баландликдаги магазинда рудани магазинлаб қазиб олиш тизими;

3) Қазилган бўшлиқни ён тоғ жинслари билан тўлдириб рудани ва пуч тоғ жинсини алоҳида-алоҳида қазиб олиш тизими;

4) Қатламлаб бўшлиқни тўлдириб юқоридан пастга қазиб олиш тизими;

5) Камера-целикли бўшлиқни тўлдириб қазиб олиш тизими.

Шу билан бирга, рудани қазиб олиш сифатини ошиши ва руда сифатсизланиш даражасини пасайишига қаватчалар юзасини кичик 4,0 м<sup>2</sup> гача камайтириш орқали эришилади ва кичик диаметрли (51 мм) скважиналар билан 7,0 м<sup>2</sup> гача қалинлиги 1,5 дан 3,0 м гача қалинликка эга руда таналарини, бир йўла қазиб олишда эришилади.

Руда танасининг қалинлиги 1,5 дан 3,0 м гача бўлганда диаметри 51 мм бўлган параллел скважиналар жамланмаси, руда танасининг қалинлиги 3,0 м дан юқори бўлганда эса диаметри 64-105 мм ли елпигичсимон скважиналар жамланмасини қабул қилиш керак.

Тайёрловчи-қирқувчи лаҳимлар юзасини кичрайтириш учун қаватчаларда бурғилайдиган кўчувчи, юқори унумдорликка эга бўлган Simba Junior, БП-65, БУ-80 ёки Simba-H157, DL-210, DL-230, DD-210, DD-211 бурғилаш станокларини қўллаш орқали лаҳим юзаларини 5-7 м<sup>2</sup> гача кичрайтиришга эришиш мумкин.

Диссертациянинг «**Мураккаб кон геологик шароитдаги руда таналарини қазиб олиш технологиясининг техник-иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида Зармитан олтинли руда худудида тақдим этилган ва қўлланилаётган қазиб олиш тизимларини олиб борилган таққосий баҳолаш натижасида эксплуатацион блокларда тайёрлов ва қазиб олиш ишларининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди. Таклиф этилаётган ва асосий қазиб олиш тизимларининг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш блокни тўлиқ қазиб олиш харажатларини ҳисоблаш асосида амалга оширилди. Таннархни ҳисоблашда асосий харажатлар элементлари бўйича блоклардан қазиб олинадиган руданинг умумий миқдорига асосланади.

Олиб борилган ҳисоблар натижасида қуйидагилар аниқланди: ўртача горизонтал қалинлиги 0,45 дан 0,77 м гача бўлган ораликдаги руда таналарини кўрилаётган учта қазиб олиш тизимидан энг кичик самарадорлиги асосий харажатлар бўйича рудаларни алоҳида қазиб олиш ва бўшлиқни тоғ жинслари билан тўлдириш учун 98,87 долл./м<sup>2</sup> ташкил қилади; ушбу қазиб олиш тизимида қазиб олинадиган руданинг бир грамм металлни энг кичик таннархи 8,03 долл./г таъминланади; қолган кўрилаётган қазиб олиш тизимларининг нисбий самарадорлик коэффициентлари мағазинаб қазиб олиш тизимида рудани алоҳида қазиб олиш тизимига нисбатан 1,36 ни, қаватча штреклари билан қазиб олиш тизимида эса 1,11 ни ташкил қилади; ушбу қазиб олиш тизимларида қазиб олинадиган рудадаги 1 грамм металлнинг таннархи мос равишта 37% ва 13% га юқори.

Кўрилаётган рудникларда мураккаб кон-геологик шароитлари ва таянч қазиб олиш тизимларини қўллашни баҳолаш ва ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш имконини берди:

– рудникларда қўлланилаётган асосий қазиб олиш тизимларидан рудани магазинлаб қазиб олиш ва қаватча штреклари билан қазишда эксплуатацион блокларнинг параметрлари сақланиб қолган ҳолда улар талаб қилинган сифатдаги рудани қазиб олишни ва блокдаги кавжойларда қазиш ишларини хавфсизлигини таъминлаб бера олмайди;

– қаватча штреклари билан бир-бирига яқин бўлган руда таналарини қазишда очиқ кавжойларни сақланишини фақат юқоридаги иккита қаватида таъминлаш мумкин. Ушбу қазиб олиш тизимидан фойдаланилганда скреперлаш горизонти дучка билан бўлиши шарт, чунки бу кулатилган рудани дучкалар орқали ташиш имконини беради. Рудани магазинлаб қазиб олиш тизими юқори интенсивликда қазилаётган блокларда камера захирасини узунлиги 30 метрли секцияларга бўлиш зарур бўлади. Бу қазиш кав жойларини сақланишини қаватнинг ҳамма баландлиги бўйича таъминлаб бериб, ҳар бир секцияни юқори интенсивликда қазиш имконини беради;

– таркибида устивор бўлмаган тоғ жинслардан иборат бўлган массивда рудани магазинлаб қазиш тизимини қўллаш ва ҳимоя устунларини қолдириш, кав жой камера бортларини сақланиб қолишига имкон беради;

– морфологияси мураккаб бўлган ва технологик бузилишлардан иборат юқори дарзликларга эга бўлган руда таналарини қазишда нисбатан оптимал қазиб олиш тизими сифатида қатламлаб бўшлиқни тўлдириб юқоридан пастга қазиб олиш тизими ҳисобланиб, у рудани юқори сифатли ва хавфсиз қазиш имконини беради.

Руда таналарини алоҳида қазиб олиш ва бўшлиқларни бўш тоғ жинслари билан тўлдириш тизимидан руда танасининг ўртача горизонтал қалинлиги 0,45 дан 0,77 м гача бўлганда қазиб олиш тизимидан фойдаланишни самарадорлигини баҳолаш ва техник иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатадики; бўлишига қарамай нисбатан оптимал натижаларни ва юқори сифатли рудани қазишни таъминлайди; ушбу қазиб олиш тизими кўрилаётган конларда захира хажмининг кенгайишига олиб келиши мумкин, чунки бугунги кунгача руда таналарининг захираси ўртача горизонтал қалинлиги 0,45 дан 0,77 м гача оралиқда амалиётда қазиш ишлари олиб борилмаган.

## ХУЛОСА

«Мураккаб кон-геологик шароитларга эга олтин конларини ер ости усулида қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юқори горизонтларда қазиб олинган бўшлиқ ҳисобидан тоғ жинси массивининг кучланишининг деформацион ҳолатини ўзгариши қуйи горизонтларга етарлича таъсири аниқланди, яъни кон жинси массиви

кучланишининг деформацион ҳолатининг ривожланиши босим юқори бўлган зоналарда шелларни сўндириш усулини тадқиқ қилиш натижаларига кўра аниқланган. Майдон ва қаватча штрекларидида горизонтал кучланишлар вертикал кучланишларга нисбати 3,87-7,6 баробар, қазиб олиш ишлари зоналаридан ташқари ҳудудларда бу кўрсаткич 1,5-3,0 баробарни ташкил этади.

2. Қазиб олиш ишлари учун Чармитан конида +420м чи горизонт, Гужумсой конида эса +480м чи горизонт критик чуқурлик қиймат эканлиги аниқланди, ундан пастки горизонтларни қазиб олишда кон зарбасидан огоҳлантириш ва кон ишларини хавфсиз олиб бориш учун қўшимча чора тадбирларни қўллаш билан амалга оширилади.

3. Тоғ жинсларининг халқаро рейтинг таснифи бўйича тоғ жинслари мустаҳкамлик кўрсаткичлари кон-геологик шароитларга боғлиқ бўлган ҳолда бузилганлик даражаси аниқланди, мустаҳкамланмаган кон лаҳимларининг чегараларида кучланишнинг деформацион ҳолати ва турғунлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларига кўра мустаҳкамлагич тури ва ўлчамларини танлаш аниқланди.

4. Математик моделлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, қазиб олиш ишлари чуқурлашиб борган сари камера ўлчамлари 50-60 м бўлганда очик томон жинслари барча даражадаги дарзликларда ўзини тутиб тура олмаслиги аниқланди. Камера баландлиги 25-30 метргача қисқартирилганда руда олди массиви ўртача турғун эканлиги баҳоланди.

5. Хавфли юзаларда кучланишнинг тўпланишини камайитириш учун тоғ жинслари массивининг геомеханик ҳолатига боғлиқ ҳолда кон лаҳимлари юзасини гумбазсимон шаклдан айлана гумбазсимон шаклга ўтказиш тавсия этилади.

6. Яқинлашган руда таналарини қаватча штрекларидан қазиб олиш тизимини қўллаш, шу билан биргаликда юқоридаги иккита қаватча қазиб олинган бўшлиқлари очиклигича қолдириш мумкинлиги тавсия этилади.

7. Рудани магазинлаб қазиб олиш тизимини қўллаш қазиб олинган руда таналарида қазиб олиш ишлари юқори жадалликда олиб бориладиган блокдаги камера 30 м гача узунликдаги секцияларга бўлиниши мумкинлиги аниқланди.

8. Тектоник бузилишлар ривожланган юқори дарздорликдаги мураккаб морфологик руда хосиласида юқоридан пастга қатламлаб тўлдириб қазиб олиш тизими юқори даражада оптимал эканлиги, яъни рудани юқори сифат билан хавфсиз қазиб олиш мумкинлиги аниқланди.

9. Ўрта горизонтал қалинликдаги, қалинлиги 0,45 дан 0,77 м гача бўлган рудаларни қазиб олишда техник иқтисодий кўрсаткичлар натижаси шуни кўрсатдики қазилган бўшлиқни тўлдириб руда ва ён тоғ жинсини алоҳида-алоҳида қазиб олиш тизимини қўллаш самарали эканлиги аниқланди. Ушбу қазиб олиш тизимини қўллаш конларни хом ашё базасини ортишига олиб келади, ҳозирги кунгача юқорида келтирилган интервалдаги қалинликдаги рудалар қазиб олинмаган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
«МИСиС» В ГОРОДЕ АЛМАЛЫК**

---

**ГУП «УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ И  
ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ГЕОТЕХНОЛОГИИ И  
ЦВЕТНОЙ МЕТАЛЛУРГИИ «O'zGEORANGMETLITI»**

**ХАСАНОВ АЛЕКСЕЙ РАШИДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ  
ПОДЗЕМНОЙ РАЗРАБОТКИ ЗОЛОТОРУДНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ  
СО СЛОЖНЫМИ ГОРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИМИ УСЛОВИЯМИ**

**04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)**

**Алмалык– 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/T1416.

Диссертация выполнена в ГУП «Узбекский научно-исследовательский и проектно-изыскательский институт геотехнологии и цветной металлургии «O'zGEORANGMETLITI».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.misis.uz](http://www.misis.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Раимжанов Бахадиржан  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Заиров Шерзод Шарипович  
доктор технических наук, профессор

Меликулов Абдуссаттор Джаббарович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Защита диссертации состоится «24» июля 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.22/30.12.2019.T.98.01. (Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Зал заседаний Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в городе Алмалык. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [afnitumisis@mail.ru](mailto:afnitumisis@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в городе Алмалык (зарегистрирован за № 20-08-Д). Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Тел.: (70) 614-22-57.

Автореферат диссертации разослан «06» июля 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 8 от «06» июля 2021 года).



**Ф.Я.Умаров**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**Г.С.Нутфуллоев**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

**Ш.Ш. Заиров**

Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире преобладающая часть золоторудных месторождений залегают в сложных горно-геологических условиях, что обуславливается увеличением глубины разработки, значительной разбросанностью параметров оруденения рудных тел, изменчивостью мощности рудных тел, интенсивной трещиноватостью массива, наличием значительного объема маломощных рудных тел, сближенностью рудных тел, отработкой под охранными объектами и водоемами, напряженно-деформированным состоянием массива, влиянием геотектоники района месторождения и др. В связи с этим на рудниках, отработывающих золоторудные месторождения, следует обратить внимание на интенсивное понижение горных работ, усложняющиеся горнотехнические и горно-геологические условия разработки.

На сегодняшний день во всем мире ведутся научные исследования по изучению геомеханического и геодинамического состояния массива горных пород, оценке предельной глубины разработки на удароопасных месторождениях, совершенствованию технологии отработки рудных тел в сложных горно-геологических условиях, установлению оптимальных параметров систем разработки с учетом горно-геологических условий, разработке технологических решений по ведению горных работ при отработке рудных тел и экономической оценке эффективности их применения. В связи с этим необходимо совершенствование систем разработки рудных тел в сложных горно-геологических условиях, направленных на повышение безопасности ведения горных работ и достижение оптимальных показателей извлечения добываемой руды.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ по оптимизации параметров систем разработки с целью снижения потерь и разубоживания руды, исследованию устойчивости и изысканию эффективной технологии разработки группы рудных тел Зармитанской золоторудной зоны, исследованию физико-механических свойств, трещиноватости и замеров напряжений вокруг выработок на нижних горизонтах рудников Зармитан и Гужумсай и разработке рекомендаций по снижению напряжений и креплению горных выработок. В Постановлении Президента Республики Узбекистан <sup>1</sup> определены важные задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику, широкому внедрению в производство энерго- и ресурсосберегающих технологий...». В связи с этим важно выполнять задачи по совершенствованию и внедрению технологии подземной разработки для золоторудных месторождений Зармитанской золоторудной зоны, обеспечивающей безопасные условия труда и максимально возможное

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

извлечение компонентов руды путем компенсации влияния негативных факторов.

